



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИ
ФАРФОНА ВИЛОЯТИ
МАРФИЛОН ШАҲАР
ПРОКУРАТУРАСИ

150101, Марғилон шаҳар, Хузуржонов кўчаси,
7-уй. Тел: (8373) 253-23-93

2014 йил «21» май
№ 14-14

Фуқаролик ишлари бўйича
Марғилон туманлараро суди
раиси

Д.Исматуллаевага

Аризачи:
Марғилон шаҳар прокурори

ДАЪВО АРИЗА

(турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақида)

Марғилон шаҳар ИИБ шаҳар прокуратурасига мурожаат қилиб, 1962 йил 25 августда Марғилон шаҳрида туғилган фуқаро Таджибаева Муътабар Ибрагимовна Марғилон шаҳар, Зарафшон кўчаси, 286-уйда 23.10.1979 йилдан рўйхатда туриб, 2009 йилдан буён яшамасдан келаётганлиги учун турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақида судга даъво ариза киритишни сўраган.

Ҳолат ўрганилганда, Марғилон шаҳар, «Машад» маҳалла фуқаролар йиғини фуқаро Таджибаева Муътабар Ибрагимовна ҳақиқатан ҳам узоқ вақтдан буён яшамаётганлигини кўрсатиб, 21.05.2014 йил куни 798-сонли маълумотнома тақдим этган.

Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини 52-моддасида вақтинча бўлмаганида фуқароларнинг турар жойи олти ой муддат давомида сақланиши, агар ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар узрли сабабларга кўра турар жойда олти ойдан ортиқ муддат бўлишмаса, бу муддат шу шахсларнинг аризасига биноан ижарага берувчи томонидан, низоли ҳолларда эса суд томонидан узайтириб берилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси 54-моддасида фуқароларнинг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақида судга даъво ариза билан мурожаат қилиш кўрсатилган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 41-моддасини ҳамда ФПК 5-моддаси 2-бандини қўллаб,-

С Ў Р А Й М А Н

1. Фуқаро Таджибаева Муътабар Ибрагимовнанинг Марғилон шаҳар, Зарафшон кўчаси, 286-уйдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топишни.

2. Даъво ариза судда кўриладиган кун ҳақида шаҳар прокуратурасига маълум қилишни.

Илова: тўпланган ҳужжатлар « » варақда

Марғилон шаҳар прокурори
адлия маслаҳатчиси



А.Ю.Мавлонов